

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

“Дехқонобод калий заводи” АЖ  
бошқаруви раиси ўринбосари  
харид комиссия раиси

Р.Туракулов  
2022 й.



“Дехқонобод калий заводи” АЖга қарашли Тюбегатан калий туз  
конининг шимолий қисмини ўзлаштириш лойихаси учун Атроф мухитга  
таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойихасини (ЗВОС) ишлаб  
чикиш бўйича

## ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

Дехқонобод – 2022 йил

# I. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

<b>1</b>	<b>Умумий қоидалар.</b>		
		1.1	<p><b>Танлаш предмети:</b> "Дехқонобод калий заводи" АЖга қарашли Тюбегатан калий туз конининг шимолий қисмини ўзлаштириш лойихаси учун Атроф мухитга таъсир кўрсатилиши тўгрисидаги баёнот лойихасини (ЗВОС) ишлаб чикиш.</p> <p>Танлаш предмети битта бўлинмас лот хисобланади.</p>
		1.3	<p>Техник топширик бўйича танлашнинг охирги қиймати бажариладиган ишлар учун учун ККС сиз 91 036 600 (тўқсон бир миллион ўттиз олти минг олти юз) сўмдан ошмаслиги керак.</p> <p>Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар охирги қийматдан юкори бўлмаслиги керак.</p> <p>Танлаш таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан юкори бўлмаслиги керак.</p>
		1.5	Хизмат кўрсатиш бўйича техник талаб танлаш хужжатининг техник қисмida келтирилган.
		1.6	Танлаш комиссиясининг мажлиси -- сиртдан электрон шаклда ўтказилади.
<b>2</b>	<b>Танлаш ташкилотчилари</b>	2.1	<p>"Дехқонобод калий заводи" АЖ танлаш буюртмачиси (кейинги ўринларда "Буюртмачи") хисобланади.</p> <p><b>Манзил:</b> Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Бешбулоқ қишлоғи, "Дехқонобод калий заводи" АЖ</p> <p><b>Банк:</b> "Ўзсаноаткурилишбанк" АТБ Қашқадарё минтакавий филиали</p> <p><b>X/P:</b> 20210000904620443001</p> <p><b>МФО:</b> 00854</p> <p><b>ИНН:</b> 206887857</p> <p><b>ОКОНХ:</b> 13116; <b>ОКЭД</b> 20151</p>
		2.2	<p>Мулоқот учун маъсул шахс: танлаш комиссияси котиби – "Дехқонобод калий заводи" АЖ шартнома мажбуриятлари ва газначилик бўлими етакчи иқтисодчиси Остонов Бахтиёр Баратович.</p> <p>Тел.: (998 91) 450-72-00</p> <p>Талабнома киритган бўлинма раҳбарлари:</p> <p>Т.Жуманов (93) 275-90-00</p>
		2.3	Фолиб билан шартнома имзоловчи: "Дехқонобод калий заводи" АЖ
		2.4	Танлаш, "Буюртмачи" томонидан ташкил қилинган танлаш комиссияси томонидан ўтказилади.
		2.5	Танлашда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин (4.1 бандда келтирилган шахслар бундан мустасно).
<b>3</b>	<b>Иштирокчиларга кўйиладиган</b>	3.1	Танлашда иштирок этиш учун иштирокчилар гаров сифатида, танлаш предметининг максимал нархидан

	<b>лар</b>	3 (уч) фоиз микдорида <b>etender.uzex.uz</b> махсус ахборот порталининг махсус ҳисоб рақамига закалат суммасини ўтказиб бериши зарур ( <i>гаров суммаси шартнома имзолангандан сўнг иштирокчига қайтарилади</i> ).
	3.2	<p>Келишилган муддат ичида танлаш таклифининг қайтариб бўлмайдиганлиги ва ўзгармаслигининг кафолати сифатида қуидагиларни гаровга қўйилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- кафолат муддати таклифларни қабул қилишнинг охирги санасидан бошлаб 90 (тўқсон) кун бўлиши керак.</li> </ul>
	3.3	<p>Танлаш харидлари бошланишидан олдин танлаш комиссияси иштирокчиларни куидаги тартибда танлаб олади:</p> <p><b>Энг паст нарх усули</b> – танлов таклифларининг техник кисмини баҳолаш ва натижаларига кура электрон танловда иштирок этишини давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини голиб сифатида аниклади.</p> <p>Танлашда иштирок етиш учун фақат малакавий танлашдан ўтган иштирокчиларга рухсат берилади.</p> <p>Малакавий танлаш учун иштирокчилар қуидаги мезонларга жавоб бериши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- шартномани бажариш учун зарур бўлган техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;</li> <li>- шартнома тузиш хуқуки;</li> <li>- уларга нисбатан киритилган банкротлик процедуralарининг йўклиги;</li> <li>- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар хақида ёзувнинг йўклиги;</li> </ul>
4	<b>Танлашни ўтказиш шарти</b>	<p>4.1 Харид комиссияси иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади, агар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;</li> <li>- унда солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;</li> <li>- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;</li> <li>- иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;</li> <li>- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг исталған ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа кимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд</li> </ul>

			билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса; - иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган холда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилланганлик ҳоллари аникланса.
5	<b>Танлаш тили.</b>	5.1	Танлаш таклифи, иштирокчи ва “Буюртмачи” томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар, ҳужжатлар имкон қадар ўзбек тилида, халқаро ташкилотлар бўлганида рус тилида бўлиши керак.
6	<b>Танлаш таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби</b>	6.1	Иштирокчи <a href="http://www.etender.uzex.uz">www.etender.uzex.uz</a> очик электрон ахборот портали орқали эълон қилинган лот бўйича танлаш таклифларини тақдим қилишлари керак.
		6.2	Порталда эълон қилинган танлаш иштирокчилари, ўз таклифларини <a href="http://www.etender.uzex.uz">www.etender.uzex.uz</a> очик ахборот порталида берилган эълонда белгиланган тартибда танлаш ўтказилиши хақидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича тақдим қиласди.
		6.3	Танлаш иштирокчиси:  тақдим қилинаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун маъсул хисобланади;
			тақдим қилинган таклифни бундай таклифларни бериш муддати тугагунча қайтариб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳакли.
		6.4	Танлаш таклифи танлаш шартларига мос бўлган ва кўйидаги маълумотларни қамраб оловчи нархга оид қисмдан ташкил топади: - хизматнинг номланиши; - хизмат кўрсатиш қиймати; - якуний сумма; - тўлов шартлари; - таклифнинг амал қилиши муддати ва х.к.з.
		6.5	<b>Танлаш таклифи икки қисмдан иборат:</b> - техник қисм. Буюртмачининг техник топшириғига мос келиши ва таклиф этилаётган хизматларнинг батафсил тавсифидан иборат; - нарх қисми. Танлаш шартларига мувоғик бўлиши ва кўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: хизматларнинг номи, хизматларнинг нархи, умумий миқдори ва тўлаш шартлари, солиқлар, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.
7	<b>Тақдим қилинган танлаш таклифлари муддатини узайтириш</b>	7.1	Зарур ҳолларда, “Буюртмачи” танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириши, шунингдек харид комиссияси қарорига асосан, танлаш иштирокчиларига таклифларини амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан таклифларни кабул килишинг охирги муддатидан 3 кун олдин мурожаат қилиши мумкин.
		7.2	Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон маҳсус ахборот

		9.12	Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлга тақдирда танлаш комиссияси, бу ҳақда танлаш иштирокчисини хабардор килгани ҳолда танлаш таклифини рад этишга ёки уларни келгусида кўриб чиқиш бўйича бошқа шартларни белгилашга ҳақли.
		9.13	Танлашнинг хорижий ва маҳаллий иштирокчилари нархларини адолатли таққослаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда, баҳолаш пайтида тегишли харажатлар (соликлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбуриятлар) ҳисобга олинади.
		9.14	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш тизим томонидан баённомада қайд қилинади. Иштирокчилар малакаси ва таклифлари баҳолаш тартиби ва мезонлари 1-иловада келтирилган
		9.15	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашга овоз бериш харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан амалга оширилади.
		9.16	Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон килинганидан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш натижаларини тушунтириш бўйича сўров юборишга ҳақли. Бундай сўров келиб тушган пайтдан бошлаб 3 (уч) иш куни давомида танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришлар беришга мажбур.
10	<b>Бошқа шартлар</b>	10.1	Агар танлашда ишлаб чиқарувчининг илгари Ўзбекистон Республикасига етказиб берилмаган маҳсулотлари таклиф этилса, харид комиссияси ушбу маҳсулотга учинчи шахсларнинг маҳсулотга тегишли тавсияни тақдим этишини талаб қилиш хуқукига эга.
		10.2	Танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”га танлаш ўтказилиши ҳақидаги эълондан келтирилган шаклдаги танлаш хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли. Ушбу сўров “Буюртмачи”га таклифлар берилиши якунланиши санасидан камида 2 (икки) кун аввал келиб тушган тақдирда “Буюртмачи” кўрсатилган сўров келиб тушган санадан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида белгиланган шаклда танлаш хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур. Танлаш хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид бўлмаслиги керак.
		11.3	Кўйидаги ҳолларда танлаш ўтмаган деб топилиши мумкин: <ul style="list-style-type: none"> <li>- танлашда битта иштирокчи иштирок этган ёки ҳеч ким иштирок этмаган тақдирда;</li> <li>- таклифларни кўриб чиқиш якунлари бўйича танлаш комиссияси барча таклифларни танлаш хужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад</li> </ul>

		этган тақдирда.
	11.4	Голиб бўлган таклиф акцептигача, “Буюртмачи” исталган вактда танлашни бекор қилиши мумкин. Танлаш бекор қилинган тақдирда “Буюртмачи” маҳсус ахборот порталида бундай қарорнинг асосли сабабларини чоп этади.
<b>Шартома тузилиши</b>	12.1	Танлаш натижаларга кўра шартнома, Голиб билан шартнома тузәётган танлаш “Буюртмачи”си томонидан тақдим қилинган танлаш хужжатида кўрсатилган шартлар асосида тузилади.
	12.2.	Голиб деб топилган танлаш иштирокчиси “Буюртмачи”дан тегишли ёзма хабарнома олади.

**ИШТИРОКЧИЛАР МАЛАКАСИ ВА ТАКЛИФЛАРИНИ  
БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА МЕЗОНЛАРИ**

**Иштирокчиларни малакавий танлаш тартиби ва мезонлари.**

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан таклифларни қабул килиш муддати тугагани, сўнг амалга оширилади. Агар иштирокчи томонидан талаб қилинадиган маълумотлар тақдим этилмаган ёт етарлича маълумотлар тақдим этилмаган бўлса, танлов комиссияси уни танловда иштирок этишга рухса бермасликка ҳақли.

**Малакавий мезонлари.**

T/p	Мезон бўйича баҳолаш тартиби (кичик мезон)	Мезоннинг аҳамияти (оғирлиги)	Мезоннинг аҳамияти (фоизда)
1.	"Дехқонобод қалий заводи" АЖга қарашли Тюбегатан қалий туз конининг шимолий қисмини ўзлаштириш лойихаси учун Атроф мұхитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойихасини (ЗВОС) ишлаб чиқиш (Энг паст нарх мезони бўйича аниқлаш)	9 балл	100%
	Мезонлар бўйича баҳолаш тартиби: Кичик мезонларнинг умумий суммаси.		
1.1	<b>Шу турдаги хизматларни кўрсатиш бўйича иш тажрибаси:</b> бир йилгача 1-3 йилгача 3-5 йилгача 5-10 йилгача 10-15 йилгача <b>15 йил ва ундан катта</b>	6 балл 1 балл 2 балл 3 балл 4 балл 5 балл 6 балл	750%
	Тасдиқловчи ҳужжат: Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси		
1.2	<b>Бажарилган ишлар жами</b>  учтагача хизмат учтадан бештагача хизмат беш ва ундан кўп хизмат	3 балл 1 балл 2 балл 3 балл	25%
	Тасдиқловчи ҳужжат: Хизматларини амалга ошириш бўйича охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар, ташкилотлар билан тузилган шартномалар нусхаси, стратегик ва йирик ташкилотларнинг ижобий тавсифномаси		
1.4	<b>Солиқлар ва ийғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома</b>		Иштирокчилар дастлабки малакавий босқичда тақдим этиши маҷбурий бўлган ҳужжатлар
1.5	<b>Инсофиз изярчиларнинг ягона реестрида йўклиги тўғрисида маълумотнома</b>		
1.6	<b>Банкротлик, жамият билан тортишув ва суд жараенида эмаслиги тўғрисида маълумотнома</b>		

СР ва БР бўлими бошлиғи

Комплаенс бўлими бошлиғи  
Атроф мұхитни муҳофаза  
қилиш бўлими бошлиғи

ШМБ ва F бўлими иқтисодчиси

С.Холтўраев

Ў.Мейлиев

Т.Жуманов

Б.Остонов